



“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”: 8-ҲАФТА ВАРАҚАСИ

Азиз юрtdoшлар!

Куйида хавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштираётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узоқ сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложи борида тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борида тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Узимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юрtdoшларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотиби туширилган ва “И.А.КАРИМОВНИНГ “ДОНО” СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВЧИЛАР ПАХТАДА, ЎҚИТУВЧИЛАР ҚУРИЛИШДА, ШИФОКОРЛАР ЭСА УЙМА-УЙ ПУЛ ЙИҒИШДА... ШУ ҲАМ ДАВЛАТМИ? ШУ ҲАМ ПРЕЗИДЕНТМИ?” деган сўзлар битилган навбатдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати кўмакдош бўладилар, деган умиддамиз.

ЎХХ ташвиқот бўлими

БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВЧИЛАР ПАХТАДА, ЎҚИТУВЧИЛАР ҚУРИЛИШДА, ШИФОКОРЛАР ЭСА УЙМА-УЙ ПУЛ ЙИҒИШДА... ШУ ҲАМ ДАВЛАТМИ? ШУ ҲАМ ПРЕЗИДЕНТМИ?” деган саволларни ёзиб чиқишга қарор қилдик.

Бу сафарги варақачамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимиздан мақсад диктатор Ислоҳ Каримовнинг мустабид сиёсати Ўзбекистонни аянчли аҳволга, хавфли жарёқасига олиб келганини яна бир бор эслатишдир. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йилларида аксарият ўзбекистонликлар Ислоҳ Каримовнинг тарғиботларига алданиб: “Иқтисодчи президент бўлса — иқтисодиёт гуллаб яшнайдими! Шоирдан президент чиқадими?!” деб, сайрашарди. Аммо иқтисодиёт фанлари номзоди ҳам иқтисодиётни ўлдира олиши 20 йилдан орқтироқ вақт мобайнида тасдиқланди. Шу давр мобайнида Европа мамлакатларида президент бўлиб сайланган қатор шоирлар ўз мамлакатларини одил бошқариб, ўз юрtdoшларини сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам равнақ топдирганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бу вазиятда ҳақиқатни кеч бўлса ҳам англаб еганимиз бизга бироз таскин бериши мумкин. Шундай вазиятда бу ҳақиқатни варақалар орқали оддий юрtdoшларимизга ҳам етказишимиз лозим.

Шундай экан, келинг, биз, оддий ўзбекистонликлар, олдимизга ана шу мақсадларни кўйиб, “И.А.КАРИМОВНИНГ “ДОНО” СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВЧИЛАР ПАХТАДА, ЎҚИТУВЧИЛАР ҚУРИЛИШДА, ШИФОКОРЛАР ЭСА УЙМА-УЙ ПУЛ ЙИҒИШДА... ШУ ҲАМ ДАВЛАТМИ? ШУ ҲАМ ПРЕЗИДЕНТМИ?” деган саволларни юрtdoшларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиқсак, Ислоҳ Каримовнинг сиёсатчи сифатида золим эканлигини, иқтисодчи сифатида эса хомкалла эканлигини юрtdoшларимизга эслатган бўламиз.



**И.А.КАРИМОВНИНГ
“ДОНО” СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ
БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎҚУВЧИЛАР ПАХТАДА,
ЎҚИТУВЧИЛАР ҚУРИЛИШДА,
ШИФОКОРЛАР ЭСА
УЙМА-УЙ
ПУЛ ЙИҒИШДА...**

**ШУ ҲАМ ДАВЛАТМИ?
ШУ ҲАМ ПРЕЗИДЕНТМИ?**
www.uzxalqharakati.com

Ҳурматли ватандошлар!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақачамизни мамлакатимизда тарқатган юрtdoшларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Гарчи 7 кун мобайнида ЎХХ логотиби ва “Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!” деган сатрлар акс этган варақаларимиз мамлакатимиз кўчаларида тарқатилгани ҳақида хабар олманган бўлсак-да, юрtdoшларимиз ушбу варақачамизни ҳам фаол тарқатганига ишончимиз комил.

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг саккизинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юрtdoшларимизга навбатдаги варақачамизни тақдим этамиз. Саккизинчи ҳафта варақасида мустақиллик йилларида “доно” сиёсатчи ва иқтисодиёт фанлари номзоди Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон давлат ва жамият сифатида улкан бир циркка айланиб улгурганини акс эттирувчи “И.А.КАРИМОВНИНГ “ДОНО” СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ

КАРИМОВ СИЁСАТИНИНГ НИҚОБЛАРИ

Каримов сиёсати йиллар давомида шаклланган қаттол сиёсатдир. Улкан жиндий принципларга асосланган бу сиёсат қозғаловчилик ҳамда расмиётчилик орқали ўз фаолиятини бажаради.

Каримов сиёсати улкан алдов базасини ташкил этади, тизимнинг ҳар бир соҳасида уни панада тутувчи «ниқоб» мавжуддир.

Диний ниқоб

Тузумни танқид қилувчилар учун экстремистик номлар бевосита «диний ниқоб» ортидаги сиёсатдир.

Бундай ниқобнинг яратилиши Давлатнинг Халқ олдидаги бевосита ниқобидир. Халқнинг аксарият қисми мусулмон жамоат бўлгани боис бу табақа вакиллари доим адолат истадилар. Давлатнинг шаръий қоидаларга зид фаолияти мусулмонларни бирлаштига ҳамда адолат ўрнатишга ундайди. Мана шунинг учун диний уюшмаларга барҳам бериш мақсадида Давлат уларга турли номлар бериш билан «экстремист» ва ҳ.к. ниқобдан фойдаланади.

Бу ниқоб орқали адолат учун курашган ҳар қандай фуқарога «ваххобий», «хизбут-тахрир», «террор», «нурчи», «акромий» ва ҳоказо қора номлар билан атади ва уларни омма учун бўрттирилган ва ахлоқсиз тубан ҳолатда кўпуровчи сифатида таърифланади. Аслида эса улар оддий мусулмонлар ҳолос. Бу ниқоб фақатгина илм эгаларини эмас, балки барчани, хусусан, адолат истаб ҳақиқатни айта олган фуқароларни ҳам мазкур номлар билан «хоин» дея эълон қилади.

Бундай экстремистик ниқоб Давлат сиёсий тизимнинг ҳимояси учун ниқобдир. Омманнинг руҳиятига ўта таъвоузор қилиб таърифланган бу каби инсонлар ҳақида ёш авлод назарида ўз-ўзидан уларга нисбатан душманлик кайфияти шаклланади, ваҳоланки, улардан бири унинг отаси ёки онаси бўлса ҳам. Бу ниқоб фақатгина эркин фикрловчи ёки зиёли кишиларни йўқ қилиб қолмай, мазкур жиноятга тортилган кишиларни оммага ўта ваҳший, ўта инсоний сифатлардан йироқ ҳолатда таърифлайди ҳамда номлайди, натижада жаҳмиётда уларга нисбатан кўр-кўрона хусумат сакловчилар кўпая боради, улардан ўзларини нари тутишади, жирканч махлуқ сингари нигоҳ ташлашади ёки баёний фикрларида ҳам шу ҳолат акс этади ёхуд улар диндан узоклашади.

Каримов сиёсатида «Диний экстремизм» ниқоби бу – унинг энг олий ҳамда энг кўп натижа берган ниқобидир. Бу ниқоб президентнинг илк фаолият кезларидан бошланган ниқобидир. Бу ниқоб остида Каримов айнан ўз фуқаролари орасидаги соғлом фикрга ёки кишиларни бирма-бир йўқ қилади ва йўқ қилмоқда.

14-феврал «Халқаро севишганлар куни», «Ёшлар» телерадиоканали орқали танқидий кўрсатув оммага намойиш этилди. Бунда асосий мавзу ёшларни беҳаёлик кўчасидан қайтариш, ҳамда миллий кадрларимизга зид маросим экани илгари сурилди, мусулмонлар учун бу кунда «фаол» бўлиш тубанлик деган фикр мақсад қилинди,

аммо асл муддао бошқа – бир вақтда гавжум тўпланган кўп сонли ёшлар Давлат учун таҳлика туғдиради. Давлатнинг бундай «миллийликни» ёки «динни» рўқач қилишдек ниқоби остида келгуси жараёнларда Халқ оммасидан хавфсирашдек мақсадлар ётади.

Каримов сиёсати ҳеч қандай маънавий ва диний принципларни ўз ичига олмайди, у муайян бир қолипга эга эмас, ўзгарувчан ҳамда тусланувчан.

Порахўрлик сиёсати

Каримов сиёсатида «порахўрлик» ниқоби ҳам улкан аҳамият касб этади. Бу ниқоб остида турли қатлам вакиллари шаклланади ҳамда ўзаро боғлиқ бўлади. Бу принцип Халқдан маълум миқдорда моддий базанинг ўмарилиб турилиши ҳамда ўзаро ишончсизлик келтириб чиқиши учун керак, агар қуйи табақа ижтимоий муаммоларини ҳал қилиши учун ўзидан юқори табақага моддий ёки бошқа тарзда пора беради, аммо улар бир-бирини тенг кўрмайди ҳамда ўзаро иттифок бўлмайди, агарда қуйи табақа юқори мартабага эришган тақдирда ҳам ўзидан қолган қуйи қатламга иттифок бўлмайди.

«Пора» ниқобининг кенгайиши ҳаром лўқмага мойил кишиларни кўпайтиради, бу Каримов учун жуда зарурдир, агарда мансабдор раҳбарлар ўз касблариға содик бўлсалар ҳамда уни суистеъмога қилмасалар, бу Каримов учун муаммодир, чунки улар ҳақиқатни ва адолатни истаб қолишади, лекин улар порахўр бўлса айни муддао, ҳар қандай буйруқлар бажарилади, жон ширин бўлгани каби курси ҳам ширин бўлади. Мана нега раҳбарларнинг аксарияти порахўр.

Бу ҳолатнинг Давлат учун фойдали тарафи шуки, ҳар бир порахўр раҳбар Халқни бирлаштирмайди, бўйин эгдиради яъни қўлига қаратади. Порахўрлик мазкур сиёсатнинг ниқобий тизимларидан биридир, шунинг учун Давлат бу иллатни қоралайвереди аммо барҳам бермайди. Бу ниқоб ҳатто диний идораларида ҳам кенг тарқалиши – бунинг сабабидир. Бу ниқоб яна шундай тушунчаларни келтириб чиқарадики, фуқаролар онгида «ходимлар порахўрлар, шу сабаб шикоятларимиз юқорига етиб бормайди» деган фаразлар шаклланади, яъни бутун айб порахўр зодагонларга ағдарилади. Агарда порахўрлик, Давлатнинг ниқобий принципларидан бўлмаганида эди, бу ниқоб ҳар соҳада бирдек илдиз отган бўлмас эди.

Каримовнинг «ижобий хурмат» ниқоби ёхуд «халаскор» қуриниши

Бу ниқоб энг муҳиб ниқобдир. Халқни доимий ўзига эргаштириш учун бу ниқоб «шоҳ» ниқобдир. Каримов доим «бир ишни бажарилишида иккинчи қўлдан фойдалан» қоидага амал қилади. Ҳеч қачон оммага салбий фикр уйғотадиган амалиётларда иштирок этмайди қайтанга салбий фикр амалиёти муаллифларини жазолаш ёки танқид қилиш амалиётларида намоён бўлади. Бу билан у «ижобий хурмат» ниқобини қўллайди (мас: Ўш, Чалалобод



воқеалари). Каримов мамлакатнинг барча вилоятлари ҳатто қишлоқларида «Халаскор» киёфа яратади. Бунинг учун ҳар қадамда унинг хушрўй Суратлари ҳамда маъноли, ибратли иборавий нутқлари афиша этилади ва мадҳ этилади.

Ҳар бир Давлат корхонаси, ташкилотлари шундай иборалар билан безалади, гўёки бу барча нарсаларнинг асосчиси ва хомийси Каримов деган фикр туғилиши учун. Ҳар қандай тадбир, йигин, оммавий амалиёт, маҳалла йигинлари, мактаб йигинлари ва тадбирлари, ҳаттоки масжид жамоатларида айтилажак нутқнинг боши ҳамда сўнгида Каримов номи тилга олинади. Ҳар бир ютуқда Аллоҳ шарофати ила эмас Каримов шарофатлари билан эришилди деган ибора давомий тақрорланади. Натижада улғайиб келаётган «ёш авлод» ҳар қадамда унинг суратлари ҳамда ибораларига эътибори кучаяди, «ҳар бир ютуқ фақат у орқалигина бўларкан» дея фикрлай бошлайди, у кимни «ёмон» деса у ҳам ёмонлайди, кимни «террор» ёки «хоин» деса у ҳам тақрорлайди. Бу ниқоб орқали айниқса ёшлар кўр-кўрона Каримовга эргашадилар ва базан сиғинишгача бориб етадилар.

Каримов ҳар қандай зулм ишларида «иккинчи қўл» МХХ, ИИБ ёки бошқа манбалардан фойдаланади яъни сахнада МХХ ёки ИИБ қатл ўтказса, сахна ортида Каримов ижрони кузатади, агарда қарши ёки танқидчилар пайдо бўлишса Каримов энди сахнадагиларни айбдор қилиб сахнага «халаскор» бўлиб чиқиб келади. Чунинг учун ҳар бир зулм учун ўзи эмас сахнадагиларни айбдор қилади. Мас: вилоятдаги золимлик учун ҳокимлар, ўқув тизимидаги золимлик учун ўқитувчилар, дарахларнинг кесиб ташланишида эса уларни кесганлар. Мана шунинг учун Каримовга порахўр ва виждонсиз раҳбарлар керак, чунки улар Каримовга билвосита эргашадилар. Бунинг эвазига бу ҳамтовокларга Халқдан олинган моддий манбалар ҳамда ўғирланган ер ресурслари ўзаро тақсимланади, Вазирлардан тортиб депутат ва ҳокимларгача.

Газ ҳамда электр энергияси учун ҳам «махсус» ниқоблар жорий этилган. Бу ҳолатда маъмурият қуйи раҳбарият лавозимини суистеъмога қилганини ниқоб қилса, улар қўл остидаги ходимларни ниқоб қилади, улар эса ўз ўрнида фуқароларнинг қарзларини ниқоб қилади. Бу ерда ҳам «порахўрлик» ниқоби сахнани тўлдириб туради. Ортида эса маъмурлар фойдани тақсимот қилиш билан банд бўлади.

Давлат идоралари ҳамда ходимлари учун «қонун» ниқоби асосий ниқобдир. Бу ҳақда кейинги мақоламизда яна тўхталамиз.

2013 йил 23 февраль куни маҳаллий вақт билан 12-00да Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида Ўзбекистон “ЭРК”

Демократик Партияси Сурхондарё вилоятининг Конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишни “ЭРК” ва ЎХХ фаоли Фахриддин Тиллаев олиб борди. Конференция кун тартибида тўртта масала кўриб чиқилди. Ушбу масалалар орасида энг муҳими ва долзарби “ЭРК” Демократик Партиясининг 6-Курултойини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш” муҳокама килинди.

Бу масала баҳс ва мунозаралар асосида ўтди. Делегатларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда, “ЭРК” Демократик Партиясининг программасини қайтадан кўриб чиқиш ва унга қўшимчалар киритиш лозимлиги ҳақида тўхтама келинди. Хусусан, программани ишлаб чиқишда бугун долзарб маса-

“ЭРК”НИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ



ла бўлиб қолаётган, Ўзбекистон Республикаси ичкарасида ва ташқарисида ишсизлик туфайли катта муаммоларга дуч келаётган фуқароларнинг аҳволи, уларга ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, шу билан биргаликда, уларнинг дуч келаётгани муаммолар тўғрисида муҳокама қилиб ўтди.

Конференция сўнггида, Ўзбекистон “ЭРК” Демократик Партияси Сурхондарё вилояти партия ташкилоти раиси сайланди.

Сурхондарё вилоятининг туман ва кишлоқларидан қатнашган вакиллар

ичидан эса, “ЭРК” Демократик Партиясининг 6-Курултойига, “ЭРК” ташкилотининг аъзоларидан 14 киши кўрсатилди ва

делегатликка сайланди.

Шунингдек, “Мардикорлар Касаба Уюшмаси” ва “Озод фуқаро” ташкилотлари томонидан Сурхондарё ёш йигит-қизларига, ҳуқуқий кўмак ва яқиндан ёрдам кўрсатиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ҳам берилди. Шу билан Ўзбекистон “ЭРК” Демократик Партияси Сурхондарё вилояти ташкилотининг Конференцияси иши ўз иштини якунлади.

Шу хабарга яна бир сўзни киритишни лозим деб топдик: Сурхондарё вилоятининг баъзи бир туманларидан келиши керак бўлган “ЭРК” аъзолари Сурхондарё вилояти ИИБ томонидан таъқиб ва тайзиқларга дуч келганлар.

“ЭРК” Демократик Партияси Сурхондарё ташкилоти маъмурияти

ОЙДИН СОЛИХНИНГ “ҲАҚИҚИЙ ТИББИЁТ” КИТОБИНИ ЎҚИБ, ШИФО ТОПДИМ

ЎХХнинг <http://www.uzxalqharakati.com/erkin yurt> сайтида нашр этилаётган, Ойдин Солихнинг, “ҲАҚИҚИЙ ТИББИЁТ” китобини ўқиётган муштарийларимиз ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқдалар.

Ана шундай муҳлисаларимиздан бири, Тошкент шаҳар, “Юнус-Обод” массивида яшовчи, 30 йилдан ошиқ давомда Адабиёт фанидан таҳсил бериб келган устоз ва муррабий, Зулфияхоним Шакаржоновадир. У киши ўзларининг фикрларини кўйидаги сўзлар билан бизга тарифлаб бердилар... “Мен умримнинг тенг яримини, устоз ва муррабийликка бахшида етдим. Қанчадан-қанча шогирдларни таёрладим. Жамиятимиз учун, яхши кадрларни етиштирдим ва тарбияладим.

Уларнинг чин инсон ва ватанпарвар бўлиб етишлари учун, кеча-ю-кундуз тинмасдан меҳнат қилдим. Охир-оқибат, мен ҳаста бўлиб қолдим. Ҳозирги кунда иккинчи гуруҳ ногирониман. Шифокорларимиз менинг касаллигимни ўрганиб чиқиб, “Невроз ва остехондроз” деган ташхис кўйдилар. Лекин, мен ўз касаллигим тарихи тўғрисида Сизларга қисқагина сўзлаб бермоқчиман. Шифокорларнинг тавсиясига қўра, ҳар олти ойда, “асаб касаллиги” бўйича даволишдан ўтаман. Турли хил “антибиотик” дориларни олганимдан сўнг, касаллигим бир оз тингандай бўлади...

Кунлардан бир кун менда бир фикр пайдо бўлиб қолди. Мен ҳаммаша бир хил дори-дармонларни олиш жонимга текканидан кейин, бутун дори-дармонлардан воз кечиб, ўзимни-ўзим “даволаш” чораларини изладим. Аммо уддасидан чиқолмадим.

Тўғрироғи, иродам дош беролмади. Касаллигим кучая бошлади. Хаттоки, шундай кунлар ҳам бўлди-ки, ўзим бир хонадан иккинчи хонага ўтмоқчи бўлсам ҳам, кўрқиш, васваса касалликлари пайдо бўла бошлади. Миям ўз домига тортиб кетиб, бир қоронғу хонага тушгандек бўлдим. Кўзим олди қоронғулашди. Титроқ босди.

Қўл-оёқларим бутун, танам бир бошқа ҳолатга тушиб қолди. Хатто, пичоқ олиб, нон кесмоқчи бўлсам, ҳаёлимда пичоқ гўёки менга қадалаётгандай бўларди. Шунда ўзимга-ўзим, “Зулфия сен, “шизофрения” касаллигига чалингансан. Эндиги ҳаётинг барбод бўлди.

Сен ўзингни-ўзинг ўлдир. Ҳаётга қайтиш йўли йўқ. Ҳамма эшиклар сен учун берк...” деган васвасалар холи жонимга қўямасди.

Қайси жойга бормайин, мени орқамдан ва миямдан ўша сўзлар “таъқиб” қила бошлади. Унинг устига қанақанги “шарпа”лар кўзимга кўриниб, кўрқанимдан ўзимни қаерга қўйишни билмай қолардим. Шунда тўнғич фарзандим Бехзоджон менинг ахволимни кўриб, “Ойи, Сизга нима бўлди?” деб савол берганини биламан, йиғлаб юбордим.

“Болагинам, ойинг ўлсин! Мен “жинни” бўлиб қолибман! Мен эрта-индин ўлсам керак” десам, ўғлим Бехзоджон, “Ойижон, мана бу “Амидоприн”дорингизни ичинг! Яхши бўласиз” деди.

Мен шунда ўғлим бу дориларни ичавериб, миямнинг “қатиғи” чиқиб кетди-ку? Қачонгача шундай давом этиб келади? Мени жиннихонага ётқизгин, мени бутунлай унут” деб ўғлимга ичимдаги дард аламинни тўқиб солдим....

Ўғлим Бехзоджон бир куни Ойдин Солихнинг, “Эркин Юрт” газетасида чоп этилаётган, “Ҳақиқий Тиббиёт” номли китобидан келтирилган бир парча, “Ошқозон ва ичак касалликлари”, “Қабзият”, “Неврология ва рухий касалликлар” каби мақолаларини олиб келди. Ўғлим Бехзоджон севиниб кетиб, “Ойижон, мана шу “Ҳақиқий тиббиёт” китобидан олинган мақолаларини ўқинг!

Шояд-ки, Аллоҳ Таоло касаллигингизга шифо берса” деб мени тинчитиб, “Эй Аллоҳ! Онажонимни соғлигини бергин! ЎЗИНГ ёрлақа. Ўз паноҳинга ол!” деб йиғлаб уйдан чиқиб кетди...

Хуллас, шундан буён, мен Ойдин хонимнинг “Эркин Юрт” газетаси орқали

чоп этилаётган мақолаларини ўқиш учун, тез-тез интернетга кириб турадиган бўлдим. У кишининг маслаҳатлари асосида иш тутишни ўзимга қаттиқ режа қилиб олдим. Ҳар куни ўшанга амал қилиб келмоқдаман. Айниқса, очлик билан даволаш менга жуда ҳам ёрдам берди. Ҳар ҳафтанинг Душанба ва Пайшанба кунлари 14-36 соатдан ошиқроқ вақт давомида очликка чидам бериб, очлик билан ўзимни даволанмоқдаман.

Шундан буён, ўзимни жуда ҳам, енгил, хотиржам хис қиляпман. Ошқозонимдаги ва танамдаги турли хил “унсур”лардан шу тарзда қутулмоқдаман. “Антибиотик” ва наркотик асосида таёрланган, “Амидоприн” дори-дармонларидан бутунлай воз кечдим.

Миямда тикилишлар бор эди ва томирларимда қон айланиш системаси яхши эмасди. Бошимнинг орқа мия қисмида, ҳар хил пайдо бўладиган “психомотор” кўзғалишлар бутунлай йўқолди. Бошимда қон айланиш системасини яхшилаш мақсадида, ётоғимни баланд қилиб қўйдим. Танамдаги ҳар-ҳил газлар чиқиб кетди. Бошимда қон айланиш нормаллашди. Айниқса, совуқ сув билан аралаш омухта қилинган, илиқ сув билан ювиниш мени чиниқтирди. Совуқ сувга чидамлигим ошди... Авваллари “остехондроз” бел қисмида хуруж қилиб, оғриғига чидамасдим. Хаттоки, оддий иш қилиш учун эгила олмасдим. Ҳозир бамайлихотир, эркин, ўзим ҳеч кимсаннинг ёрдамисиз, ҳаракатланмоқдаман. Тонг саҳардан туриб, ётоғим устида турли-ҳил машқларни бажариб келмоқдаман.

Мен Ойдинхонимга бир неча саволлар билан мурожаат қилмоқчиман. Қиш ва баҳор ойларида “иммунитет”им пазайиб кетади. Шунда нима қилишим керак? Бошимда қон айланишини яхшилаш учун яна нималар қилсам бўлади? Бошимдан қон олдириш менинг ёшимга тўғри келадими? “Давление” баланд ва паст бўлган вақтларда нималарга эътибор бериш керак? Сувни қанча миқдорда ичиш керак? Оёқ-қўлларимда титраш пайдо бўлганда нима қилмоқ керак?”

Фахриддин Тиллаев



Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига шу йил 21 октябрда 24 йил тўлар экан. Қизик. “Мустақиллигимиз шарофати” билан сал кам чорак асрки, давлат тили ҳали ҳам ўзининг давлат мақомига кўтарилгани йўқ!

Ҳали ҳам кўп корхоналарда рус тилини билмаган кишининг сўзи, арзи тингланмайди. Ҳали ҳам русийзабон битта ходим учун бутун бошли ишхона арз-ҳолини ўрисча ифодалаш керак!

Битта мисол, “Ўзбекистон хаво йўллари” миллий авиакомпаниясида ишловчи ишончли ходимнинг ачиниш ва таассуф ила билдиришича компаниянинг русийзабон масъуллари, айниқса бухгалтерия ходимлари маҳаллий ишчи-хизматчиларнинг ўзбекча саволларига жавоб беришмас экан.

Яъни русийзабонлар маҳаллий хизматчилардан рус тилида гапиришни та-

лаб қилишлари Давлат тилига ошқора хурматсизликкина эмас, балки Қонунга хилофлигини ўйлаб ҳам кўришмайди. Тўғри-да, мамлакатнинг туб миллати ва унинг раҳбарлари ёдига тушмаган кадрларнинг бошқалар учун икки пуллик аҳамияти йўқ.

Бундай мисолларга пойтахтнинг нуфузли ҳар бир идорасида гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу ер Ўзбекистонми ёки Россия?! Лекин ҳеч ким на бундай саволни беради, на унга журъат қилади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШТАТСИЗ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Агар шундай бўлган тақдирда ҳам шубҳасиз шўрлик маҳаллий фуқаро ўзининг миллатчи ё террорчи сифатида айбланишига кўзи етади. Бу ҳақиқат. Бу шундай ҳақиқатки, у асрлар давомида маҳаллий халқнинг “кўзини жойига солиб кўйиш” жараёнида дунёга келган ва Ўзбекистонни ўзининг абадий мулкига айлантирган. Бугунда бу мулкка диктаторлиги ва миллат душмани тамғаси билан оламга машҳур ғайри миллат Ислоҳ Каримов раҳбарлик қилмоқда!

Тўғриси айтганда, бугунги авлод Ўзбекистон учун янги аср-миллий уйғониш даврига асос солган 90-йиллар воқеаларига бир эртак деб қарайди. Энг ёмони, бугунги ўсмир ёшлар орасида ўз тилида сўзлашиш, миллий руҳда кий-

ишидан ор қилувчилар кўпаймоқда. Ҳатто кўча-кўйда бир-бирларига ўзбекча гапирма, ўрисча гапир, деб танбех бергувчиларни эшитасиз. Эртани “уйловчи” ота-оналар эса болаларини худди совет давридагидек рус синфларига бермоқдалар.

Пойтахтнинг ўзбек, рус аралаш мактабларида рус синфларига бўлган талабнинг ошиб бориши кузатилмоқда. Бунинг устига ўзбек тилини суриб чиқарувчи яна бир тил—инглиз тили

кўшилиши баъзи мунозаларларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бу келажакда Ўзбекистон тепасида қайси тил хўжайин бўлишини аниқлаш масаласи. Чунки бундай штатсиз хўжайинлар ҳар доим штатли хўжайинлардан устун бўлиб келгандир. Фарзандим салтанатга аралашсин, униб-ўссин, бой яшасин, дейдиган ота-оналарнинг ишониларича Ўзбекистоннинг соф Ўзбекистон бўлишига ҳали эрта эмиш... Афсуски, ота-оналарнинг бу хулосаси Ислоҳ Каримов сиёсатидан келиб чиққан ҳақиқатдир. Бу эса ўз ўрнида Каримов сиёсати миллатни синдириш, йўқ қилиб юбориш, ўзбекларни фақат манкурт кулларга айлантиришга қаратилган сиёсатлигини ҳам кўрсатади.

Абдуқодир КАРИМ

ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТАҲЛИЛЧИЛАР НАЗАРИДА

Ўзбекистондаги ички вазият ва унинг ташқи сиёсати мавзуларни ёритиб келаётган журналистлар, таҳлилчилар ва вазиятни кузатиб келаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари Ислоҳ Каримовнинг ташқи сиёсати ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди, дея хабар қилади “Америка Овози”.

Ўзбекистон қутилмаган қадамлар ташлашга ўрганган. Вашингтон ёки Брюсселда танқид янграса, Каримов бирданига Россия бағрига қайтиши мумкин ёки Москвадан босим ошса, Ғарб билан апоқ-чапоқ бўлишга ҳаракат қилиб қолади.

“Вашингтон Тошкент билан муносабатларда эҳтиёткорлик билан қадам босишга мажбур. Давлат департаменти расмийлари орасида “акс ҳолда боридан ҳам қуруқ қоламиз” деган хавотир бор”, - дейди журналист Навбахор Имамова.

АҚШ учун устувор масала – Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон орқали Афғонистонга кириб-чиқишни таъминлаш. Зарур таъминот йўллари очик туриши керак.

Тошкент ҳам ўз навбатида 2014-йилдан кейинги вазият қандай ривожланишидан хавотирда. АҚШ кетишини кутаётган Россия Марказий Осиёдаги таъсирини кучайтириш илинжида.

Каримов мувозанатни сақлаб қолиш ва ўз манфаатларини янада ҳимоя қилишга интилиши табиий.

Британиялик мутахассис Дейвид Луис терроризм ва қорадори савдосига қарши кураш асосий ўринда қолади деган фикрда.

Каримов ҳукумати ўз репрессиясини оқлаш учун терроризм таҳдидини бўрттириб кўрсатади, дейди Луис.

“Ўзбекистон фуқароси бўлсангиз, ҳукумат томонидан ўлдирилишингиз эҳтимоли террорчилар қўлидан нобуд бўлиш эҳтимолидан каттароқ. Қанчалик даҳшатли туюлмасин, бу ҳақ гап”, - дейди инглиз олими Дейвид Луис.

Қорадори савдоси ҳақида гапирар экан, Луис 2014-йилда халқаро қўшинлар Афғонистонни тарк этганидан кейин бу муаммо анча жиддийлашишини айтади.

“Ҳамма хавотирда. Бироқ Ўзбекистон орқали ўтадиган траффикка ҳукумат расмийлари ҳам аралашган. Келажакда бу вазият ўзгаришига ишонмайман. Расмийлар уюшган жиноий гуруҳлар билан яқин алоқада ва наркотиклар савдоси устидан назорат улар қўлида,” - дейди Дейвид Луис.



“Андижон фожеасидан кейин жорий этилган санкциялар кўп ўтмай бекор қилинди. Улар натижа бермади, аксинча, Европа Иттифоқининг заифлигини намоиш қилди. Ҳозирда Европанинг Марказий Осиёга нисбатан уйғун, узоқ келажакни кўзлайдиган стратегияси йўқ”, - дейди эксперт Алан Делетроз.

“Шуниси ҳаммага ойдек равшанки, Ислоҳ Каримов режими билан алоқаларни ривожлантириш жуда қийин”, - дейди эксперт.

НАТО қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиши катта маблағ ҳамда қўшни мамлакатлар ҳамкорлигини талаб қилади. Демак, Европа Иттифоқи Ўзбекистонга муҳтож. Брюссел Каримов билан мулоқотни давом эттиради, дейди Делетроз.

МЕНИ “СНБ” ДАН КЕТИШИШМГА МАЖБУР ҚИЛГАНЛАР



Бу воқеага ҳам, 4-5 йилча бўлиб қолди.

Биз Сизга сўзлаб бермоқчи бўлган қахрамонимиз – Қудратжон Ходжимуродов – Сурхондарё вилояти МХХда терговчи бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда бу мансабдор шахс Россиянинг узок Сибирь ўлкаларида «гастарайтер»лик, “лавозимида” ишлаб, ўзининг оиласи ва яқинларига кўмак бериб келмоқда...

Қудратжон Ходжимуродов ўзининг бошидан ўтган, ҳаётий аччиқ ҳақиқатни сўзлаб беришни бизга лозим деб топди: “Мен Сурхондарё вилояти МХХда 5 йилга яқин ишладим. Мен “СНБ”дан қандай кетганим тўғрисида икки оғиз сўзлаб берсам-да, ана ундан кейин, терговчи сифатида амалга оширган “иш”ларим юзасидан, Сизларга қискагина маълумот бериб ўтсам, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Хар бир инсон ҳаётда қоқилар экан. Мен ҳам ўша қоқилганларнинг биттаси ёки минггинчиси бўлсам, ажаб эмас...

Менинг акам, Шухратжон Ходжимуродов Термиз шаҳар, касбхунар коллежида, “бош ҳисобчи” лавозимида ишлар эди. Кунлардан бир куни акамни Сурхондарё вилояти МХХнинг ходимлари “пора олганлик”да айблаб, қўлга олишган экан. Мен бундан мутлақо беҳабар бўлганман. Ўзим шу “структура”да шунча йил ишлаб, мен

билан ишлаган, инсонларнинг қанчалик разил, ифлос бўлиб кетганлигини кейин билибман. Шунинг учун, ҳалқимиз айтганидек, “ҳом сут эмган банда” деганлари шу бўлса, керак.

Мен Шухратжон акамнинг “иши”га аралашиб, “Бу фирт тухмат ва бўҳтон! Нимага асосланиб, Сизлар акамни қамокка олгансизлар?” деб прокуратура ва МХХ “иши”га мурожаат қилган эдим, “сен акамни ёнини оляпсанми?” деб менга қарши “тергов иш”лари бошланиб кетди. Нима эмиш? “Акамга пора олиш учун, сен йўл кўрсатгансан! Сен билан акам ҳамтовоқсанлар!” деб мени ҳам айбламоқчи бўлишди.

Қизиғи шунда-ки, мен билан бирга ишлаган терговчи, Нодиржон Маҳкамов мени ва акамни тергов қилишди. Ушанда акамнинг ишини кўрган вақтда, Ўзбекистон ЖКнинг 210-моддаси ва 167, 168 моддалари билан айблаб, унга “қўшимча иш” қўшишди. Ҳаттоки, тергов давомида мени акам Шухратжон Ходжимуродов билан юзма-юз қилиб, “долларни акамга сен бермоқчи бўлгансан...” деб бизни қанчалик қийноққа солганлари ҳозиргача кўз олдимдан кетмайди.

Акамни 12 йилга озодликдан маҳрум этишди. Мени эса, Сурхондарё вилояти “СНБ”сидан ишдан кетишимга мажбур қилганлар. Қандай қилиб?

Мени ишдан бўшатиш тўғрисида аризамни ўз қўлим билан ёзиб берган эмасман. Лекин... Фақат бўш оқ қоғозга шунчаки имзо чекиб берганман, холос. Улар аризани ўзлари менинг номимдан тўлдириб, “терговчи Қудратжон Ходжимуродовнинг ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаси” деб бошлиққа киритиб беришган. Имзо аввалдан қўйилган эди. Буни тан оламан. Аммо, бу “усул”, Ўзбекистонда, айниқса, ўзгача фикрлайдиган, диний қарашлар билан қамалганлар яъни, “Ҳизбут-Таҳрир”, “Ваххобий”лик оқимига кириб қолган намозхон инсонларни тергов давоми-

да бўйнига қўя олмасалар, ўша йўлни тутишадилар. Бу “иш усули” ҳозиргача сақланиб қолган. Мен ўзим ҳам, ўша ишга қатнашганман. Шундай, “ашаддий” диндорларни қамокка олишда шу йўлни тутишга мажбур бўлганман. Чунки, ўша даврда ва ҳозирги кунгача, сийёсат шундай давом этиб келмоқда...

Мен Сурхондарё вилояти МХХда ишлаб юрган кезларимда, Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё, Узун, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидан “Ҳизбут-Таҳрир” ва “Ваххобий”ликда айбланган инсонлар кўпчилигини ташкил қилган эди. Мен тергов олиб борган вақтимда, Денов туманидан бир гуруҳ “оқим”чиларни олиб келишди. Ўша вақтда ҳеч қанақанги суриштирув ишлари бўлган эмас. Ҳаммасини ёлпасига, 159-, 244-моддалари билан айблаб, 10-15 йилга кесиб юборишган эди.

Биз қахрамонимизга шундай савол билан мурожаат қилдик: “Икки йил олдин, 2011 йилнинг 10 октябрь куни акамгиз, яъни қамалиб чиққан акамгиздан кейингиси акамгиз – Шавкатжон Ходжимуродов, Россияда ёлланма ишчи бўлиб, ишлаб юрган вақтида оламдан кўз юмди.

Ўша акамгизни ўлимига қимлар сабабчи бўлиши мумкин?

Акамни ўлимига аввалам бор, ўзимиз сабабчи деб ўйлайман. Чунки, мен ўша Сурхондарё вилояти МХХда ишлаб юрган кезларимда кўп инсонларга озор берганман.

Ҳалқимиз айтганидек, “қайтар дунё”. Аллоҳ Таоло бизнинг бошимизга шу кунларни солмоқда десам, хато бўлмайди. Қолаверса, биз ва Сизлар яшаётган ҳукумат чириб тамом бўлгани гувоҳи бўлмоқдасизлар. Бўлмаса, биз ўзи она юртимизни ташлаб, Россия давлатини “иккинчи ватан” деб қабул қилармидик? Мен ўйлайман-ки, яқин ўртада бу ҳукумат Иншоаллоҳ, Худо хоҳласа қулайди.

Фахриддин Тиллаев

ҚАРШИДА САВДОГАРЛАР ҚУВИЛМОҚДА

Қарши шаҳрининг Хонобод кўчасида жойлашган “Орзу” бозорида савдогарлар қувилмоқда. Бугун 1 март 2013 йил шу бозорда кириб савдоларини давом эттириш учун юзлаб савдогарлар ҳудудга кириш мақсадида у ерга борганликларини айтишмоқда.

“Бозор ҳудуди милиция нарядлари билан бир зумда ўраб олинди, савдогарларнинг ҳаракатларини эса куч билан бостиришмоқда” – дейди савдогарлардан бири.

Шу куни куни Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг Қашқадарё вилоят бўлимига бир гуруҳ савдогарлардан ариза келиб тушди. Айни дамда минглаб савдогарлар

ҳуқуқлари бузилганидан норози эканлигини билдиришяпти. Бозор савдогарлари 28 февраль куни бозор раҳбари Орзиевнинг қамокқа олинганини ҳам билдиришди. Қаршилик савдогарлар ўз норозиликларини ихор этиб бозор яқинда тўпланиб туришибди. Режим сунъий равишда норозилик келтириб чиқариш ҳаркатидами?

Келгусида Қаршидаги бу “Орзу бозори” масаласини ўрганиб чиқиб, маълум қилишга ҳаракат қиламиз.

Гулшан Қораева
Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти
Қашқадарё вилоят бўлими раиси



Универсиада муносабати билан, шаҳарда ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Вилоят ҳокимининг буйруғига асосан, уйлар олдида қурилган (халқ тилида “перестройка” дейилувчи) уйлар бузила бошланди. Уйлар нархи кимматлиги боис, ўзбек хонадонлари келинини мана шундай уйларда туширар эди. Қўшимча уйлар куриш учун, тегишли хужжатлар қилишарди.

Эндиликда эса собиқ ҳоким чиқарган буйруқлар тан олинмаяпти. (Бу эса халқни анча овора қилиб, ғазабини кўзғатмоқда). Қаерга мурожаат қилишмасин, ҳеч ким жавоб бермаяпти.

Банклар чет элдан узатиладиган чет эл валюта купюрасини (хусусан долларни) эндиликда пластикка (Виза, Мастер Кард)га ёки долларнинг Ўзбекистон банкидаги сумдаги давлат нархида берар эмиш. Фуқаролар Россиядан долларда узатилган пулларни сўмда (100 доллар 200.000 сўм) олаптилар.

Гап Бухородаги Қ.Муртазоев кўчаси, 2-уйда яшовчи аҳоли дуч келган худди шундай муаммо хусусида бораяпти. Бу ерда тоза сув исрофгарчилиги билан боғлиқ масала аслида ўтган йилнинг май ойидан бошланган экан.

“Уйимиз олдидаги ерости кудуғи ва ундан ўтган қувур эскириб, яроқсиз ҳолга келгани натижасида сув сизиб чиқиб, ертўлага окди,— дейди хонадон бекаларидан бири Мехринисо Қосимова.— Қарабсизки, уч кунда ертўла ва эски кудуқ сувга тўлиб, уй олдида каттагина кўлмак пайдо бўлди. Телефон кўнғироқлари жавобсиз қолавергач, кўни-кўшнилари билан биргалашиб, Бухоро шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонасига бордик. Муаммони бартараф қилишларини сўрадик. Бир неча кунлик мурожаатларимиздан сўнг ниҳоят, қувурнинг тешилган ўша қисмигина янгисига алмаштирилди. Ертўланинг суви сўриб олинди.

Аммо кудуқ таъмирланмасдан, хатто, оғзи очиклигича қолдирилди. Нима эмиш, мутасадди идорада эхтиёт қисм ва цемент етишмасмиш. Ноиложликдан кудуқ оғзини ўзимиз қўлбола усулда ёпдик”.

Шундан сўнг аҳвол ўнгангандай, тўрт қаватли уйда яшовчи 48-хонадоннинг қийинчилиги барҳам топгандай бўлди.

БУХОРОДАН ХАБАРЛАР

Бирок 2012 йилнинг ноябрь ойига келиб, муаммо такрорланди. Қудуқдан ертўлага ўтган қувур тешилди. Ертўла ва қудуқ яна сувга тўлди. Қишлолди эмасми, уй аҳолисининг бошига тушган даҳмазани бартараф қилишга масъул «Сувоқава»чилар ўша кунлар қуруқ ваъдадан нарига ўтишмади. «Эски ҳаммом, эски тос»лигича қолаётган худудга бир неча кундан сўнг экскаватор киритилди. Қудуқ атрофи қазилди. Ҳамма «хайрият-е, чирий бошлаган қувур ана энди янгисига алмаштирилди», деганда, негадир иш яна чала ташлаб кетилди. Атрофида чуқурлиги 4 метр, эни 2,5 метр қилиб қазилган қудуқ ва хандак кўп ўтмай аввалгисидан каттарок лой-балчиқ ховузга айланди. Муаммо мутасадди идорани ортиқча қизиқтирмай қўйган, аҳолидан бўлаётган тинимсиз мурожаатларга жавобан эса мужмал ваъдалар беришарди, холос. Қўни-кўшнилари ҳеч қандай мадад бўлмаслигига кўзлари етгач, Бухоро шаҳар прокуратурасига шикоят билан боришди.

“Бухоро шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси мансабдор шахслари хатти-ҳаракати устидан норози бўлиб ёзилган ва йигирмага яқин фуқаро имзо чеккан мазкур шикоят хати атрофлича ўрганиб чиқилгач, қонун доирасида масалага бевосита масъул вилоят бошқармаси бошлиғи номига расмий хат билан чиқилди”, дейди Бухоро шаҳар прокурорининг ката ёрдамчиси Учқун Жўраев. “Ушбу мурожаатдан уч кун ўтиб, Қ.Муртазоев кўчаси, 2-уйда яшовчи аҳолини қийнаб келган муаммо ҳал қилингани тўғрисидаги жавоб хатини олдик”.

Жорий йилнинг 19 январь санаси билан прокуратурага йўлланган жавоб хатида «...уй олд қисмидан ўтган, диаметри 100 мм.ли қувурда содир бўлган носозлик бартараф қилинди. Сув кудуғи таъмирланиб, чўян қопқоқ билан беркитилди», деган сўзлар бор. Кўриниб турибдики, кўп қаватли уйда яшовчи 48 та оила уч ойга чўзилган оворагарчиликлардан кейин катта ташвишдан қутилди.

ЎХХ хабар маркази

ЯНГИ ВАЛЮТА ҚОНУНИ: БИР ОЛДИ-БЕРДИ ПУЛИ САЛ КАМ ЯРИМ ТОННА БЎЛАДИ

Фараз қилинг, Тошкентдаги икки қаватли уйингиз ва унга ёндашган 5 сотихли узумзорингизга сотмоқчисиз.

Ҳаридорини ҳам топиб, 160 000 долларга бор барака қилдингиз. Аммо республикадаги валютага оид ўзгаришлар таъсирида, “қора бозор” нархида сўм олиб келинг, деб айтдингиз (бу гапларнинг бари фаразлигини унутманг). 160 минг долларни 2750 сўмдан сотиб олинадиган бўлса, 440 миллион сўмга тенг бўлади.

Бир миллион сўмни тарозига қўйсангиз, 1,1 килограммга тенг (янги 1000 сўмлик пачка). 440 миллионни 1,1 килограммга кўпайтирсак, 484 килограмм. Деярли ярим тонна. Бу пулларни картон қоробкаларга 10 килограммдан қилиб жойлаштирилса, 50 та қоробка ёки чамадон бўлади. «Энди шунча пулни машинага жойлаштириш тўғрисида сўраш учун алоҳида хона ажратишингиз керак бўлади.

150 минг доллар пулни эса чўнтакларга бир амаллаб жойлаш мумкин.



Савол: Ўзбекистон Марказий банки раиси Файзулла Муллажа-нов ҳеч шу сўмлар ҳақида ўйлаб кўрганми? Вилоят банкларига пул етказиб бериш учун қанча юк машиналари ва уларга қанча ёқилғи, қўриқчи, маблағлар сарфланади? Пул ясаладиган қоғознинг бир тоннаси неча пул? Қиймати 30-35 центга тенг 1000 сўмлик пулни қалбакиликдан ҳимоя қилишнинг еттига даражаси қанчага тушади (бунақа ҳимоя унча-мунча ривожланган мамлакатларда ҳам йўқ)?

Умуман олганда, бунақа “доно» иқтисодчилар ва молиячилар мамлакатимизни қачонгача бошқарадилар?

facebook.com/uzbekfarghona

Инсон икки нарсага ўрганган. Нақди ва ширин сўзлар! “Нақди” деганимиз ҳамма вақт бойлик ортидан кувадиганлар учун, ширин сўзлар эса ҳар бир элнинг ичидаги камбағал ва қашшоқлар учун. Худди “жаннат куриб бераман” каби ваъдалар билан


кимлардир ҳокимиятни эгаллаб олади ва ўша элни ширин сўзлар билан авраб қонини сўра бошлайди.

Ўзбекларнинг ажойиб бир ҳикмати ҳам бор: “Хўроз ҳамма жойда бир хил кичкиради!” Ғарбми у, Шарқми у, демократиями, ёки қайсидир бир турдаги диктатурами – ҳаммасида шу оддий халқ, шу оёқ яланг эл ўз ҳолича қолаверади. Айни дамда, агар моддий жиҳатидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, оддий инсон учун қанақа ҳукумат бўлишлигининг мутлақо аҳамияти йўқ.

Ширин сўзнинг га-

Яқинда бу муаллиф битта мақола эълон қилибди. Мақола “Заҳар сочмоқдир илоннинг касби” деб сарлавҳаланган.

Шавкат Муҳаммад 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида содир бўлган геноцидни ёдга олиб, уни кўп ўйлашини таъкидлайди.



Фашизм – бу сўзнинг ўзаги итлян тилидан олинган иттифоқ, бирлашиш каби маъноларни касб этади. Уларни одатда сўл сиёсий гуруҳлар ташкил этади, ҳам ўз ғояларини тарғиб қилишади. Бунда ҳокимиятни бошқариш тоталитаризм, шах-

сга сиғиниш, ҳарбий қувватни ошириш каби жараёнлар билан кечади. Фашистик ғояни қурол қилиб олган сиёсий партиянинг майдонга келишига, унинг ҳатто ҳокимиятни ўз қўлига олишига ҳам хизмат қилиши мумкин бўлган омиллар, одатда мамлакатда кечаётган иқтисодий инқироз, ҳамда сиёсий ва ижтимоий инқирозлар ҳам сабаб бўла олади. Адольф Гитлернинг Германияда ҳокимиятга келишини эсланг. Балки “хурматлик” муаллиф бизни “нацист”, яъни миллатчи демокчи бўлгандир. Ле-

ЭЛ ТАРҚОҚЛИГИ – ЗАМОНДОШНИНГ ИЛҲОМ МАНБАИ(МИ?)

доси бўлганлар эса ҳамма вақт аччиқ қисмат эгаси бўлишади. Балки аччиқ қисматлари сабаб ҳам улар, фақатгина ширин сўзга гадо бўлиб дунёдан ўтиб кетсарлар керак. Шуни унутмаслик лозимки, кимларнингдир аччиқ қисмати устига кимлардир ўзининг ялтироқ бахти, ялтироқ иқболлини куради. Баъзи жойларда бу иш аёвсиз бераҳмлиқ билан амалга оширилса (диктатура режимларида), бошқаларида (демократик, иқтисоди ривожланган давлатларда) эса оҳиста, гайкани секин, аста буралаш билан амалга оширилади. Биров сезиб қолмасин-да ахир! Демак, биз айтган хўроз Европада ҳам, АҚШ ва Осиёда ҳам бир хил кичкираркан.

Ўзини “Халқаро Замондош фонди” деб атайдиган бир гуруҳ бор ва ажабки, уларнинг ўзларига хос сайтлари ҳам мавжуд, қайсики, иғво уруғини сочиш билан овра-ю сарсондирлар. Уларнинг раҳбари Голландия деган демократик мамлакатда яшаб ҳам, оддийгина холислиқ принципига амал қилишни ҳалигача ўрганмаган. Ўйламай-нетмай ҳар нарса бўлса-да ёзаверади, бошқаларга ақл ўргатишга уринаверади. Аслида эса ўзи ўша ақлга муҳтож эканлигини сира-сиратан олмайди.

Замондошнинг санокли муаллифларидан бири ўзини Шавкат Муҳаммад деб таништиради.

“Кўп хатоликлар бўлди. Хатоларни тузатиш учун вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Энди ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз керакки, бу каби хатоликлар бошқа қайтарилмасин”.

Кўп хатоликлар ўтганини таъкидлаётган Шавкат Муҳаммадда бирор жўялик фикр бордир, деб ўйлаб мақоланинг давомини ҳижиллаб ўқийсиз. Лекин у айтаётган хатолик Швецияда яшаб келаётган камина Тўлқин Қораев, ҳамда асли Наманганлик бўлган Ҳайит Қўзиёвнинг фашизмни тарғиб этувчи мақолалари бўлиб чиқади.

Яъни, бу муаллифнинг фикрига кўра шу икки “фашист” қирғизлар билан ўзбеклар орасидаги абадий дўстликка раҳна солмоқда, одамларни бир бирига ғайир бўлишга ундаяпти.

Бу каби жумлаларни ёзишдан олдин, фашизм нима эканлигини бу “хурматлик адиб” ўрганиб олганмикан? Афтидан фашизм нима эканлигини у мутлақо билмайди ва билмоқчи ҳам эмас. “Заҳар сочмоқ илоннинг касби” дея асоссиз тарзда бошқаларга ўзи заҳар солади.

Аммо Шавкат Муҳаммад мақоласининг сарлавҳасидаги камчиликни ҳам эслатиб ўтайлик: “заҳар сочмоқ” эмас, “заҳар солмоқ” ва илон эмас, чаён. Яъни “заҳар солмоқ эмиш чаённинг касби” бўлиши керак эди.

кин на камина ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати, ҳаттоки мақола қахрамони бўлган Ҳайит Қўзиёв ҳам (мақолада Шавкат Муҳаммад уни Ҳайит Ғофир деб атаган) ўзбек миллатининг бошқа миллатлардан устун эканлигини кўрсатувчи бирор жумла ёзмаганмиз. Ўзбек аксинча, бошқа миллатлардан кўра хор бўлиб келаётган миллатдир. Ҳар ҳолда ўзбекларнинг этнос эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, аслида бундай миллатнинг ўзи йўқлиги ҳам аён бўлади. Шу ўринда Ғофир Ғуломнинг мисраларини эслайлик:

*Йосиф Сталин, буюк отамиз
Ўзингиз халқимга бердингиз ном.*

*Шунинг учун ўзбеклар ҳар қутлуг ишда
Азиз номингиздан олади илҳом.*

Афтидан, бизни “ўзбек миллати” деб атаган Йосиф Сталин бўлади. Унгача эса Ўзбек хоннинг Ислом динини қабул қилганлиги ортидан ўзбек эли, ўзбек халқи дунёга келган деган фикрлар ҳам бор. Лекин камина на тарихчи ва на тилчи бўлмаганим боис, бу мавзуда бирор аниқ фикрни илгари сура олмайман. Лекин бир нарса аниқ: биз Туркийлармиз! Ўша қирғиз ҳам, қозоқ ҳам, турманлар ва уйғурлар ҳам аслида бир миллатмиз. Қозоқ билан қирғизга ҳам ҳам айнан ўша Йосиф Сталин ном берган. Ҳар қалай, ўша даврда бундай миллатлар юзага келган.

(Давоми кейинги сафада)

ЭЛ ТАРҚОҚЛИГИ – ЗАМОНДОШНИНГ КУЧИ(МИ?)*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Қирғиз деганда ҳозирги қозоқлар тушуниларди, қирғизлар эса – қора қирғиз бўлишган. Нега уларнинг бошқача ном билан атала бошлаганини “хурматлик” Шавкат Муҳаммад яқин орада таҳлил этиб янги бир мақола бериб қолар деб умид қиламиз.

Энди мақоламизнинг асосий мавзусига қайтайлик. Хўш, биз қўлимиздан келгани, қирғиз хонандалари дискини синдириб миллатчи қонхўрларига норозилигимизни билдирдик, бошқаларни айблаб ўзининг “ақли пешлигини” кўз-кўз қилаётган Шавкат Муҳаммаднинг ўзи нима каромат кўрсатди экан? Қаламқаш сатирачи ва ҳоказо, ҳоказо..., буюқ инсон бўлган Шавкат Муҳаммад Ўшдаги вахшийликлар ҳақидаги фильмларини кўргани борми?

Ҳимоясиз қолган ва иложсизликдан бўзлаб йиғлаётган ўзбек ўғлонлари ва номуси топталган кизжувонларнинг кўз ёшларини кўрган ва уларнинг дарду аламини қалбида ҳис қилганмикан? Ўзбек фарзандининг тириклайин ёкиб юборилгани ва унинг ўлими олдиндан кўкрагига тепганлариничи? Наҳотки ўзининг кўксига “ўзбек ўғлониман” деб муштлайдиган зот бу фожеаларга бефарқ қолган бўлса? Шавкат Муҳаммад ўз сафсатасини ёзишдан олдин Ўш ва Жалолободда тириклайин ёкилган ўзбекларни кўз олдида келтириб кўриши лозим эди. Балки биз ўзбекларни миллатчиликка, ёки хунрезликларга чақирганимиз ҳақида бирор исбот-далили бордир? Қўлимда қаламим ва остимда минбарим бор деб ўйлаган одам ҳар нарсани вайсайвераркан-да. Виждон бўлмаса қийин албатта!

Қирғизистон жанубидаги ўзбеклар қирғинидан икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо унинг оғриқлари қачон йўқолади? Умуман йўқолармикан ўзи? Қизиқ, қирғинни қирғиз миллатчилари амалга ошириб, унда айбдорлар ўзбеклар бўлиб чиқишди. Камокқа олинганларнинг аксар кўпчилиги ўзбеклар. Нега?

Негаки, Қирғизистонда фашистик ғоя ҳукмрон, уни яширишга интилинапти, аммо барибир у бор ва у ҳукмрон. Ўзбекни ўз қадрини билишга ва бошини бир мақсад сари бирлаштиришга чақираётган муаллифлар “Замондош”нинг фикрига кўра – фашистлардир.

Қизиқ парадокс: ўзбекни ўзбек бўлгани учун ўлдирсалар – бу фашизм эмас, аммо ўзбек ўзини ўзи ҳимоя қилса, бошини кўтариб ўз

гурурини таний бошласа – бу фашизм. Ҳар неки, Шавкат Муҳаммад ва унинг хўжаси бўлган Ризо Обиднинг мантиғи бўйича шунақа бўлса керак.

Балки бу Ризо Обиднинг ўзи этник қирғиз бўлгани учундир? Ёки Шавкат Муҳаммаднинг ўзи ўзбекми йўқми, ким билади? Кейин Ўш ва Жалолободдаги қирғинда нафақат қирғизларнинг, балки Ўзбекистон расмий ҳукуматининг ҳам айби борлиги ҳақида маълумотлар сизиб чиқди. Бундан Ўзбекистоннинг абадий президенти “қаримовлар сулоласи” ҳам манфаатдор бўлишганди. Хўш, Шавкат Муҳаммад диктатор режимини ҳам хаспўшлагга уринаяпдими? Бундай ҳам бўлиши мумкин. Лекин бир нарса аниқ: Замондошда тўғри гап бўлмаган ва бундай кейин ҳам бўлмайди!

Ўзбеклар Ўзбекистоннинг ўзида йигирма йилдан ортиқ, қирғин қилинапти. Қийноқлар, тухматлар ўзбек миллатининг бошида турган кундалик содир бўладиган оддий ҳолга айланган. Буюқ давлатлар ҳам аслида ўзбек халқига дўст эмаслиги ботма-бот исботини топиб келмоқда. АҚШ ҳам, Россия ва Хитой ҳам, қолаверса Буюқ Британия, Германия, Франция ҳукуматлари ҳам Ўзбекистон халқи муаммоси билан машғул бўлаётгани йўқ.

Уларни ва Ўзбекистоннинг абадий президентлик клани бўлган “қаримовлар сулоласини” фақат бир нарса қизиқтирапти: пул ва бойлик! Яна бири, Россияга қарши унинг атрофида ҳарбий куч тўплаш.

Баъзи бировлар илгари сураётган назарияга кўра, НАТО кучлари Афғонистонни тарк этганидан сўнг Қаримов режими яқкаланиб қолади! Бекор айтишибди улар! НАТО Ўзбекистонда ўз ҳарбий базасини яратади ва унинг мамлакат ичкарасида туриши учун ҳам Қаримов режими Ғарб томонидан дастакланишда давом этади. Ўзбекка озодлик фақат унинг ўзининг ғайрати ва шижоати билангина келади.

Акс ҳолда, келгуси авлодлар ҳам бугунгидек ҳукуксиз бир мавжудод бўлиб ўтиб кетади. Бизни на демократия, на диктатура ва дин бу қисматдан қутқара олмайди. Куч эса бирликда! Мана шу бирликка эришиш учун кимлардир жон куйдирса, замондошчиларга ўхшаганлар эса бу бирликнинг олдини олишга интилади. Замондошнинг ва ўзбек ҳукуматининг кучи эса – элнинг тарқоқлигида!

Тўлқин Қораев**ИБРАТЛИ РИВОЯТ**

Ҳазрат Сулаймон (а.с.) дарёнинг бўйида ўтирарди. Нигоҳи бир донна донни дарё томон кўтариб бораётган чумолига тушди. Сулаймон (а.с.) чумолини кузатишда давом этди. Чумоли донни сув бўйигача судраб борди. Шу пайт сув ичидан қурбақа пайдо бўлди ва оғзини катта очди. Чумоли дони билан қурбақанинг оғзига кириб кетди. Қурбақа оғзини ёпди ва сувга шўнғиди. Бир муддат ўтгач, қурбақа сувга шўнғиган жойидан пайдо бўлди ва оғзини яна очди. Ичидан чумоли ўрмалаб чиқди. Аммо бу сафар буғдой дони йўқ эди.

Сулаймон (а.с.) чумолини ёнига чақирди ва ўз амали асрорини сўзлаб беришни сўради. Чумоли тилга кирди:

- Эй Аллоҳнинг пайғамбари! Дарёнинг қаърида ичи бўш бир тош ётибди. Ўша тошнинг ичида бир қурт яшайди. Худо қуртни ўша ерда яратган. У дарёдан ташқарига чиқа олмайди. Менга унинг насибасини етказиб туриш вазифаси юклатилган. Қурбақага эса мени сувнинг тубига олиб туриши амр этилган. Мен ҳар куни бир буғдой донасини дарё бўйига келтираман. Қурбақа мени оғзига солиб, сув остига, тош ёнига қадар олиб тушади. Мен у ердаги тешик орқали буғдой донини қуртнинг оғзигача олиб бораман. Сўнгра, қурбақа мени яна оғзига олиб қирғоққа қадар чиқариб кўяди.

Ҳазрат Сулаймон (а.с.) чумолига деди: Буғдой донасини қуртга элтганингдан ундан бирор гап эшитганмисан?

Чумоли жавоб берди: Ҳа. У доимо шундай дейди: “Эй менинг ризқимни дарё тубидаги тош ичида қадар етказиб беришни унутмайдиган Худо! Иймонли бандаларингга нисбатан бўлган раҳматингни унутма”.

“Қачон инсонга неъмат берсак, у юз ўғирар ва ёнбоши ила узоқлашар. Қачон уни ёмонлик тутса, бас, у узундан-узоқ дуо эгасидир”.

(Қуръони Карим. Фуссилат сураси, 51-оят)

facebook.com/sirojiddin.tolibov

АБДУЛЛА ТОЖИБОЙ ЎҒЛИ ПРЕЗИДЕНТЛИК УЧУН КУРАШМОҚЧИ

Ўзбекистонда 2015 йилда президент сайловлари ўтиши керак. Расмий доираларда бу борада ҳеч ким оғиз очмайди, аммо сиёсий фаоллар, айниқса, четдаги мухолифат ўз фикрини билдира бошлаган.



Давлат раҳбарининг хизмат муддати етти йилдан беш йилга туширилган. 2014 йил охирида ўтиши лозим бўлган сайлов 2015 йилнинг биринчи чорагига кўчирилган.

Булардан мақсад нима? Президент Каримов нимани кўзлаяпти?

Аввалги сайловларда номзод сифатида рўйхатдан ўтолмаган ҳуқуқ ҳимоячиси Абдулла Тожибой ўғли 2015 йилда мухолифатдаги «Эрк» партияси номидан қатнашмоқчи.

«2009 йилда президентлик учун номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади, деган қарор чиқди. Бу билан мустақил ташаббус гуруҳлари томонидан сайловда қатнашиш имконияти йўққа чиқди. Мен шу нуқтаи назар билан ҳам «Эрк» партиясига кирдим», дейди Тожибой ўғли.

«Эрк» низомига кўра, ҳар бир аъзо ўз номзодини сайловда кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Айни пайтда партиянинг мамлакатдаги фаолияти ҳам жонлана бошлаган, дейди суҳбатдош.

«Партиянинг ички низомига кўра ҳам бир неча киши ўз номзодини кўрсатиши мумкин. Номзодлар босқичма-босқич чиқишади, албатта қўллаб-қувватланса, кейинги босқичга чиқилади, шунга умид қилмоқдаман. Қўллаб-қувватлансам, сайловда қатнашмоқчиман.

Партия низомига ҳамма амал қилади. Бу партия раиси Муҳаммад Солиҳда ҳам бирон эътироз уйғотмайди», дейди фаол.

Унинг таъкидлашича, «Эрк» партияси ноқонуний деган гап асоссиз. Партия лидери Муҳаммад Солиҳ 1991 йилдаги президент сайловида Ислоҳ Каримовнинг рақиби сифатида қатнашган ва бу ҳаракатнинг бир неча аъзолари Олий Мажлисга сайланган.

«Эрк» демократик партияси 1990 йилда қонуний рўйхатдан ўтган... Бугун ҳам долзарб қолаётган мухолиф партия», дейди Тожибой ўғли.

Айтиш жоизки, бугун бу партия Ўзбекистон ҳукумати томонидан тан олинмайди ва Муҳаммад Солиҳга «террорист» ва «халқ душмани» деган тамғалар қўйилган.

Ислоҳ Каримов қайта сайланишга ҳаракат қиладими?

Бу ҳозирча ноаниқ. Буни фақат сайлов олдида билишимиз мумкин. «Биринчидан, Ислоҳ Каримовнинг ёши ўтиб қолди. Иккинчидан, ҳали у ўз номзодини қўядими-йўқми

номаълум, қолаверса 2015 йилгача ҳам ўзгаришлар бўлиб қолиши мумкин. Хуллас, бу сафарги сайловларда мухолифат фаол қатнашади», дея ишонч билдиради Абдулла Тожибой ўғли.

Ўзбекистон конституциясига биноан бир шахс икки муддатдан ортиқ президентлик қилиши мумкин эмас. Бироқ Ислоҳ Каримов 23 йилдирки президентликда қолмоқда. Абдулла Тожибой ўғли, сиёсий фаол.

Бу вақт ораллиғида мамлакатдаги мухолиф партиялар йўқотилди, лидерликка интилганлар қамоққа олинди ёки мамлакатдан қувилди. Амалдаги сиёсатни саволга тутиш конституцион тузумга таҳдид солиш билан баробар кўрилади.

Мухолиф партиялар ва мустақил номзодларга ҳеч қандай руҳсат йўқ.

2015 йилги сайловларда ҳам шундай бўлиши мумкин. Аммо хориждаги мухолифатчилар орасида жонланиш кузатилади.

Абдулла Тожибой ўғли оппозициядан ўз номзодини кўйишини очиқ айтиётган дастлабки арбоб.

«Албатта тўсқинлар бўлади, лекин барибир мухолифат сайловда ўз ўрини топишга уринади, чунки бу сайлов аввалгиларидан истисно», дейди Абдулла Тожибой ўғли.

Яқинда «Эрк» партиясининг Сурхондарё вилоят бўлими анжуманида қурултой ўтказиш масаласи муҳокама қилинган.

amerikaovozi.com

Бу расмни чизган пайтимда «Шарк юлдузи»да Қуръони карим чоп қилинаётган эди. Мен бир оятдан муттасир бўлиб, туйғуларимни матога мой бўёқда акс эттирдим.

Ойнинг иккига бўлиниши ҳақидаги билги менга илҳом берган эди.


Ислоҳ манбаларида «Шаққи қамар» ёхуд «Иншиқоқи қамар» дея ифода-ланган «Ойнинг иккига бўлиниши» мўъжизасини имконим қдар тасвирладим.

МЎЪЖИЗА ҚАНДАЙ РЎЙ БЕРДИ?

Шаққи қамар мўъжизаси Сарвари Олам (с.а.в.) пайғамбарлик билан вазифаланганларидан сўнг воқеъ бўлди. Қурайш қабиласининг пешволаридан бир гуруҳ мушриқлар Аллоҳнинг расулидан пайғамбарлигини исботлайдиган бир мўъжиза кўрсатишларини сўрашга келишиб олиб, бир жойга тўпланишди.

Кечанинг илк соатлари эди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) порлоқ ойнинг ёруғи остида Ҳазрати Али, Ҳузайфа ибн Ямон, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Аббос, Жубайр ибн Мутъим ва Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) каби саҳобалар даврасида суҳбат қуриб ўтирар эдилар. Мушриқлар нури халқа атрофини ўраб олиб, пайғамбаримиздан мўъжиза кўрсатишларини қайта-қайта талаб этишди.



БИР РАСМ ТАРИХИ

Ниҳоят, Фаҳри Коинот (с.а.в.) ўринларидан туриб, муборак қўлларини осмонда олгин товоқ бўлиб нур сочатган ойма қаратдилар. Яратилганидан бери вазифасидан бир сония ҳам адашмаган ой коинотнинг яратилишига сабаб бўлган у Зотнинг (с.а.в.) бир ишоратлари ила шу заҳоти иккига бўлинди. Мино тоғи ойнинг икки парчаси ўртасида қолиб, мухташам бир манзара юзага келди.

Сарвари Коинот (с.а.в.) атрофларидаги саҳобаларига «Шоҳид бўлинглар! Шоҳид бўлинглар!» дея такрорлар эканлар, Қурайш кофирлари ҳайронлик билан бир-бирига қарар, «Муҳаммад бизни сеҳрлаб қўйди», дер эди. Мушриқлардан бири: «Муҳаммад (с.а.в.) бизни сеҳрлаб қўйди, холос: У кўзимизга ойни икки парча қилиб кўрсатди.

Бу ҳодисани атрофдан келаётган қобила ва қарвонлардан сўраш керак», деди. Табиийки, бу таклиф бошқаларга ҳам маъқул бўлди.

Эртаси куни эргалаб Яман ва бошқа тарафлардан келган қарвонларга саволлар ёмғирдек ёғилди. Қарвонлар асосан кечалари йўл юргани учун Ойнинг иккига бўлинганига улар ҳам гувоҳ бўлган эди. Қайсар мақалик мушриқлар энди: «Абу Толибнинг асрандиси кўрсатган сеҳр самога ҳам таъбирини ўтказди», дея бошлашди. Ва гарчи Саййидул Башарнинг (с.а.в.) ёнларида ҳозир бўлишларига қарамай, бу мўъжизани кўрган бошқа мушриқлар каби, қуфрларида собит қолдилар. Уша аснода Аллоҳнинг қаломини нозил бўлди:

» (Киёмат) соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди. Агар улар (Қурайш кофирлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар эканликларида далолат қиладиган) бирон оят-мўъжиза кўрсалар (ҳам, у пайғамбарга иймон келтириш ўрнига) юз ўгирурлар ва «(Бу) ҳар доимги сеҳр-ку!» дерлар. Улар (пайғамбарни) ёлғон қилдилар ва ҳавоий нафсларига эргашдилар. Ҳар бир иш ўз жойини топғувчидир (яъни, гарчи кофирлар юз ўгирсалар-да, бу ҳақ дин Ер юзидан қарор топур)» (Қамар сураси, 1—3 — оятлар).

Шухрат Бобоҷонов.



Ferghana.ru, 30.01.2006

Д. Кислов

Ўзбек халқи кўпдан буён кутиб колган демократик ўзгаришлар ва иктисодий ислохотларни қувғиндаги муҳолифат халқаро ҳамжамиятнинг мадади билан амалга ошириши мумкин. Ислоҳ Каримовнинг ўн уч йилдан буён мусофирликда юрган эски рақиби, ўзбек адабиётчиси ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ Фарб элитасини айнан мана шу нарсага ишонтиришга ҳаракат қилмоқда. Романтик бўлган Муҳаммад Солиҳ кўчага фақат оддий одамларнинггина эмас, балки Ислоҳ Каримов режимдан норози бўлган ҳокимият вакилларини ҳам олиб чиқмоқчи. Солиҳнинг тарафдорлари у Грузия, Украина ва Қирғизистондагидек «бахмал инқилоб»ни амалга ошира олади, деб ҳисоблайдилар. Рақиблири ҳозирги ҳокимиятни куч билан ағдариш мамлакатда Афғон ва Ироқ сценарийси бўйича талотўпга сабаб бўлади, деб қўрқадилар.

Шоир Муҳаммад Солиҳ ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида сиёсат билан шуғуллана бошлади. Зиёлилар орасида обрўли таниқли адабиётчи, «Эрк» муҳолифат партиясининг асосчиси Солиҳ Ислоҳ Каримовга қарши чиқиб, 1992 йилдаги президентлик сайловларида иштирок этади. Солиҳ ютқазиб қўйди, бироқ ўзбек жамиятида унинг тарафдорлари кўп эканини кўрсатиб қўйди. Айнан мана шу нарса, кўпчилик кузатувчиларнинг фикрига кўра, амалдаги президентнинг «сиёсий мурватларни қаттиқроқ бураши»га туртки берган.

Тўксонинчи йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда «демократия ўйинлари» ниҳоясига етди. Ҳокимият ўзгача фикрловчиларнинг оғизларини ёпиб, барча сиёсий фаолларни мамлакат ташқарисига қувиб чиқарди ёки яширин ишлашга ўтишга мажбур қилди. Солиҳга нисбатан жиноий иш кўзгатилиди, у Норвегияга кўчиб кетди. Қувғинда уни тўла унутилиш, чет эл либерал матбуотида баъзи чиқишлар ҳамда Каримовга қарши сайтларга мақола ёзишлар кутиб турарди. Тўксон тўққизинчи йилнинг февралдаги галати портлашлардан кейин

МУҲАММАД СОЛИҲ ФАРБНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ТИНЧ ИНҚИЛОБ»НИ ҚўЛЛАШГА ЧАҚИРМОҚДА

Солиҳ терактлар ташкилотчиси бўлиб «белгиланди». Бугун у – Тошкент томонидан қонуний “ҳокимиятни ағдариш мақсадида терактлар уюштиргани учун” 15 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган жиноятчи.

Солиҳ учун «Каримов Ўзбекистони»га йўл таққа ёпилган бўлишига қарамай, охириги йилларда «Эрк» лидери гўёки ўз даври келишини, ўзининг керак бўлиб қолишини қутаётгандек эди. Андижон воқеаларидан кейин қувғиндаги сиёсатчи анча жонланиб қолди. У ўз штаб-квартирасини Туркияга кўчирди. Унинг Истанбулдаги идорасида бугунги кунгача кўплаб дисидентлар ва ҳамкасбларигина эмас, Солиҳ билан бирга бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган собиқ етакчилар ҳам бўлиб улгуришди.

2005 йилнинг июнида Муҳаммад Солиҳ АҚШга таклиф этилиб, у ерда Колумбия университетида интерактив брифингга чиқиш қилди. 2006 йилнинг январидан у Буюк Британия юқори лавозимдаги шахслари билан бир неча учрашув ўтказди. Жумладан, у Chatham House номи билан маълум бўлган Қироллик институтида сиёсатшунос ва дипломатлар олдига нутқ сўзлади, Буюк Британия консерватив партиясини институти – Policy Exchangeда кискача маъруза ўқиди. Икки ҳафтадан кейин февралда эса, Солиҳ Вашингтонга ташриф буюради, ҳукумат амалдорлари ва экспертлар билан музокаралар олиб боради. Америкалик оқсуяклар билан учрашувларга у бошқа муҳолифатчиларни ҳам таклиф қилган.

Ўзининг чиқишларида сиёсатчи шоир Фарб демократиясини Ислоҳ Каримовни ҳокимиятдан четлатишда иштирок этишга чақириб, уларга Ўзбекистонда оммавий халқ чиқишларини ташкил қилишга ваъда бермоқда. «Инқилоб» сўзини ҳеч ким бизчалик жиддий қабул қилмаяпти, - дейди Солиҳ, - сабаби ҳеч ким унинг бу қадар зарурлигини бизчалик ҳис қилгани йўқ». Каримов рақибининг нутқлари ўзбек халқига озодлик бериш ҳақидаги романтик чақириклар ва халқнинг ўз овозига эга бўлиш ҳуқуқи ҳақидаги чиройли иборалар билан тўла. Бироқ Муҳаммад Солиҳ инқилобдан кейин нима қилиш кераклиги ҳақида ҳеч нарса демаяпти. Гўёки ҳаёт ўз-ўзидан изига тушиб кетади, деб ҳаёл қилаётгандек.

Фарб Муҳаммад Солиҳга қандай ролни тайёрлапти? Ўзбекистонга «бахмал инқилоби» сценарийси тўғри келадими ва диктатор Каримов ҳокимиятининг «тинч йўл билан» қулаши Афғонистон ва Ироқда бўлгани каби хаосга айланиб кетмайдими? Бугун Солиҳ Ўзбекистонда қанчалик обрўга эга? Ўзбек муҳолифатида халқ орасидаги ва ҳокимият структураларидаги норози оммани бирлаштириб кета оладиган одам борми? М. Солиҳ инқилобдан кей-

инги Ўзбекистон учун «Ҳамид Қарзай мисол» «миллат кутқарувчиси» ролини бажаришга ярайдими?

«Фарғона.Ру» Марказий Осиё бўйича россиялик экспертларнинг бир нечасидан мана шу саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

Аркадий Дубнов, «Время новостей» газетаси шарҳловчиси:

- Ўзбекистоннинг «Эрк» ва Тожикистоннинг Ислоҳ уйғониш партияси Ўрта Осиёдаги энг қўхна ва яхши ташкиллаштирилган муҳолифат ташкилотларидир. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда Муҳаммад Солиҳнинг очиб ва яширин тарафдорлари кўп. Жумладан, уларнинг элита орасида ҳам борлигини мен инкор қилмайман. Бироқ ўйлайманки, умуман олганда, ўзбек элитаси анча консерватив ва кланлар сиёсий ошхонасидаги ички қоидаларни радикал равишда ўзгартириш тарафдори эмас. Шунинг учун мен Муҳаммад Солиҳнинг томонидан қабул қилиниб, таъсир доираларини бўлиштиришда иштирок этишига, шаклланиб қолган қоидаларни ўзгартиришга йўл берилади, деб ишонмайман.

Шу сабабли мен Солиҳнинг ҳозирги фаоллашуви биринчи галда ўзбек элитаси ва Ўзбекистон раҳбариятининг ҳокимият меросдорини излаш давомида ўзининг ички структурасини ислоҳ қилиш ва ҳокимиятда ҳозирги мавжуд тартибни сақлаб қолиш борасидаги ҳаракатлари ва ниятларининг катализатори бўлиб бериши мумкин, деб ўйлайман. Айнан Муҳаммад Солиҳнинг ташқаридан туширилган жиддий сиёсий фигура бўлиб қолиши хавфи Тошкентни ана шу йўналишда ҳаракат қилишга мажбур қилиши керак.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек Ҳамид Қарзай бўлиши истаги бўлиши мумкинлигига келсак, мен қуйидагиларни айтиб ўтмоқчи эдим. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳокимият тепасига толиблар келиши ёки АҚШнинг улар устидан ғалаба қилиши натижасида Қарзай ҳокимият тепасига келган «Толибон»га ўхшаш бирор нарса пайдо бўлиши керак. Мен фақат Ҳамид Қарзай «келиб тушиши» учунгина Ўрта Осиёда Афғонистондагига ўхшаш бирор нарса бошланиб кетишини истамасдим. Уша одам Муҳаммад Солиҳга ўхшаган дунёвий одам бўлган тақдирда ҳам. Ҳар ҳолда, у ўзини ўн беш йил олдинги сиёсий қиёфасига нисбатан ўзгарган қилиб кўрсатаётган ҳолатида.

Алексей Малашенко, Москвадаги «Карнеги» маркази таҳлилчиси:

«Фарғона.Ру»: - Ўзбек муҳолифатида норози оммани бирлаштириб кета оладиган шахс борми?

Алексей Малашенко: - Бир сўз билан жавоб бераман: йўқ. Яқин орада бўлмаса ҳам керак, деб ўйлайман.

«Фарғона.Ру»: - Солиҳ бу ролга тўғри келадими?

(Давоми келгуси сонда)

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

Иммунитет тизимининг мияни тозалаш механизми:

Статистикага кўра, бугун энг кўп учраётган мия касаллиги, мия артериаларида юзага келган артериосклероз ҳисобланади (артерияларнинг торайиши).

Артериосклерознинг юзага келишида энг кўп кузатилган сабаб ҳам томирларда ёғ, токсик ва ортиқча моддаларнинг томирдаги бирикимлари ва фиброз қатламларидир.

Томирларга ёпишган ёғ, токсик ва қолдик моддалар артериосклерознинг энг эрта учраган белгиларидан.

Бу белгилар, сунъий озикланган ёки жуда эрта (3-6 ойликда) кўшимча оват еб бошлаган 1-2 ёшли болаларда ҳам учраган.

Мияга қон оқими билан келган ва томирларда тўпланган токсик, кўшимчали ва қолдик моддаларни, вужуд юқори ҳарорат билан эритиб, синуслар, кулоқ орқасига ёки кулоқ воситасида ташқари чиқаришга ҳаракат қилади.

Ҳароратнинг кучи токсик моддаларни эритишга етмаса, мия бу моддани йўталга ўхшаш ҳаракатлар билан ташқари чиқаришни бошлайди, яъни баъзи мия ҳужайралари анормал ўлчамда энергия оқими чиқариб, атрофидаги бошқа ҳужайраларига таъсир қилади.

Йўтал билан мия титрашлари орасида муҳим фарқ бор:

Йўталда фақат кўкрак мускуллари тортилиши, механик тарзда балғамни чиқаради.

Мия, вужуднинг бутун тўқималари билан боғлиқ бўлгани учун вужуднинг турли мускулларда тортилиш хуруж (приступ)лар кузатилади.

Токсик модда мия тортилишлари билан синусларга, кулоқ ва кулоқ орқасига ёки бурун манқасига туширилгандан кейин яхшиланиш кризислари билина бошлайди:

Токсик модда кулоқлар воситасида ташқарига чиқариб ташланса, кулоқ яллиғланади ва оқади;

агар бу модда кулоқ орқасига ўтса, яралар ва чипқонлар чиқади;

бурун манқасига ўтса, бодомсимон безлар шишиб, яллиғланади.

Ва натижада, ҳарорат тушади. Бу механизм миянинг энг хавфсиз, энг осон ва табиий тозаланиш механизми ҳисобланади.

Мия бу йўл билан томирларида тўпланган ёғ қолдиқлари, токсик ва қолдик моддалардан қутулади. Аммо болаларга ҳарорат туширувчи, антибиотик ва антиконвулсанлар берилса, қолдик моддалар томирларда қолади ва кўпаяди. Моддалар кўпайиши табиий равишда муаммоларни кўпайтиради.

Масалан, инсоннинг нафас йўлига бирон нарса тикилса, у фақат йўтал билан ташқари чиқарилади. Бу ҳолда, йўталнинг олдини олиш қанчалик янглиш бўлса, мия тозалаш механизмига тўскинлик қилиш ҳам шунчалик хато.

Мия тозаланиши механизмига ёрдам берадиган даво:

Иссиқ чиққанда болани совуққа яқин илик сув ёки совуқ сув билан ювиш ҳароратни туширади. Конвулсиялар бошланганида боланинг юзи ва кўкрагига совуқ сув сепиш, бошига совуқ нам мато қўйиш, кейин совуқ сув билан ювиш керак.

Болага 3 кун ҳеч нарса едирмаслик, хоҳласа фақатгина лимон суви + сув аралашмаси ичириш, ҳар ҳарорат чиққанидан кейин ювинтириш, очликдан кейин озикланишни тартибга солиш керак.

4-чи кун эрталаб бошга 4-7 дона кичик зулук қўйиш, зулуклар тушгач, тишланган нуқталарни ваккумлаш керак (Икки чуқурга ваккум қилинмайди: лиқилдоқ ва энса чуқурига).

1 ҳафта кейин 3 кунлик очликни такрорлаш ва очликнинг биринчи куни бошдан хожамот қилиш керак.

Зулуклар, томирлардаги эриган ортиқча моддаларнинг; хожамот эса эримаган моддаларнинг чиқишини таъминлайди. Зулуклардан кейин қилинган ваккумлаш ва хожамот билан газ ташқари чиқади.

Кейин болага 3-5 марта хижрий ойнинг 13, 14, 15 кунлари очлик туттириш керак.

Очлик билан барча аъзолар ва қон тозаланади. Очлик кунлари хусусан 3-чи куни иссиқлик чиқизиш мумкин. Лекин энди биласизки ҳарорат кўрқитувчи эмас, кутқарувчи бир фактордир. (“Эпилепсия, Хулоса” бўлимига қаранг.)

Ҳарорат дорилар билан туширилса нима бўлади?

Ҳароратни тушириш учун дорилар билан муҳофиза қилинса, мия узидан чиқармоқчи бўлган зарарли қолдиқлар мияда қолади. Ҳарорат эса бу сабабдан кўтарилишда давом этаверади. Ҳарорат кўтарилиши ва хуруж (приступ)лар сони ҳарорат туширувчи ишлатилиши билан тўғридан тўғри боғлиқдир. Ҳарорат туширувчи қанча кўп ишлатилса, ҳарорат ва хуруж таҳликаси шунча ортади. Миядан чиқаолмаган ортиқча моддалар, худди ахлат уюмларида бўлганидек, аста-секин ёнишга ва газ чиқаришга бошлайди. Ва томир ва тўқималарда бузилиш, ҳатто мутациялар юзага келади.

Бузилган тўқима ва томирларда юрган газ кучли оғриқларга сабаб бўлади.

Иложсизликдан қаттиқ бақирган, изтироб чекиб бошини деворга урган, юзини тирнаган, ота-онасининг юзларига тупурган кичик болаларни кўргансиз. Бу болаларнинг “Дикқат етишмовчилиги синдроми” яъни гиперфаоллик, аутизм, эпилепсия ва бошқа неврологик касалликларга чалиниш хавфи юксак. (“Гиперфаоллик” бўлимига қаранг.)

Бемор Фотима Бегум С. нинг (Анқара) отаси ҳикоя қилади:

Бемор Фотима Бегум С. нинг отаси ҳикоя қилади:

“Фотима Бегум нормал тугилиши билан дунёга келди. Илк кунларда эмлаш қилинди. Бир йил она сути эмди. 6 ойдан кейин қўшимча озуқалар берилди: Чақалоқ бисквитлари, шўрвалар, кейин ҳамма нарса.

Касалликнинг биринчи белгилари:

Сочлари қаттиқ, териси қалин ва қуруқ, ҳеч терламас эди; 6 ойликлигида бошини кўтара олмасди. 10-нчи ой охирида ҳарорат 1 ой чиқиб турди

Фотима 11 ойлигида одамларнинг юзига қарамайдиган бўлди. Юриб қолувди, юришини ҳам ташлаб, эмаклай бошлади. Кейин эмаклашни ташлаб, ўтиришни бошлади.

12 ойлигида ҳарорат чиқди ва 2 кун давомида ҳеч уйғонмасдан, ҳарорати чиқиб ётди. Яна бир ойгача ухлаганида ҳарорат чиқадиган бўлди. Қиммат ва кучли антибиотик ишлатдик.

13 ойлигида ўтириб ён томонига йиқилиб, сапчиб-сапчиб хуружлар бошдан кечирди.

(Сентябрь 2002).

Кунда 200 га яқин сапчиш ҳолидаги хуружлар бўлганида, докторга бордик, у бизни Миоклоник Эпилепсия ташхиси билан бир доцентга юборди.

2002 октябрь ўрталарида доцент ташхиси: Инфантил Спазма.

Баъзи дори қабул қилинганидан кейин, берган Депакин ва Ривотрил энг узун муддат қабул қилган дори бўлди. Депакиндан аввал ўрнига Конвулекс ишлатдик, Депакинни 2002 йилнинг ноябридан 2006 йилнинг 18 ноябригача ичирдик.

Уч марта бошлаган 16 миқдорли Цинастен, 11 ёки 12 игнадан кейин ярим бўлиб қолди. Иммунитет тизими ишламагани учун ҳар сафар инфекция тушар эди.

Цинастен қабул қилганида боланинг танаси шишиди, қалин қиллар қоплади, тана ранги қорага яқин ранг олди, тери ва сочлари янада қалинлашди.

Қисқа муддат ўтиб Ривотрил (2-3 ой) ва икки турли таблетка олдик.

1 йил давомида аввалги шифокор даволаган пайтда приступларнинг сони шиддатли тарзда давом этди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Авваллари кунда 200 атрофида сақраши ҳолида хуружлар бўлаганида, дори қўллашни бошлаганидан кейин кунига 8-10 марта, 8-10 тали хуружлар, шиддатли ва баъзилари бош травмасига сабаб бўлган хуружларга айланди.

Баъзан бола турганида пешонаси билан йиқилишига сабаб бўлган, баъзан ўтирганида бошини қаттиқ йиқилишига сабаб бўлган хуружлар ҳолига келди.

Бу орада қўллари ён томондан орқага қараб тортилар эди. Агар хуруже аввал боши билан йиқилишига сабаб бўлган бўлса, у бошқа такрорланмасди.

Бошини ерга урмаган пайтда хуруже 8-10 марталаб такрорланарди. ("Конвулсиялар" бўлимига қаранг)

2003 йилнинг октябридан Гозий Университети Педиатрик Неврология Асосий Билим Соҳасида бир профессорга кўриндик.

Аввалги доцент боланинг касаллиги «Вест Сендроми» (Эпилептик энцефалопатия) га айланиши мумкин деганди.

Бу профессор эса «Дравет Синдроми» табиҳиси қўйди ва хуружларнинг тўхтамаслигини ва даволаниб бўлмамлигини айтди.

Бунга биноан, турли дорилар қўлланганидан кейин, Депакин, Ривотрил томчи ва Фрициумда тўхтади. Бу дори гуруҳини 2006 йилнинг 18 ноябргача қўлландик. Профессор даволаган пайтда хуружлар сони камайди, аммо қаттиқлашди.

Ҳар кун бомдод намозидан аввал, азон пайтида ёки азондан кейин давомли хуружлар бошларди.


Яқин 3 йилдан бери кечалари ухламайди, галати ҳаракатлар қилади.

2 йил давомида хуруже пайтида бошини бир ерга уришининг олдини олишига ҳаракат қилдик. Охирги 5-6 ойдир бир нарсдан жуда кўрққандай, худди бугилаётгандай чийиллай бошлади.

2006 йилнинг 18 ноябрида Др. Ойдин Солиҳнинг даволаш усулини бошладик.

Айни кун дорилар ишлатишни ташладик. Озиқланишини тартибга солдик ва камайттирдик. Аввалроқ дориларнинг хоҳлаганини 1 марта бермасак, хуружларнинг ҳам сони, ҳам қаттиқлиги ортар эди. Др. Ойдин Солиҳнинг даволаши бошланганидан кейин хуружларнинг на сони, на қаттиқлиги ортди.

20 ноябрда Бир ҳафта Довуд (а.с.) рўзаларини тутди. Қорага яқин, ҳидсиз қусиши чиқара бошлади. Бир нарсдан кўрққандек бугиқ овозлар чиқарадиган хуружлар яна бўлди, аммо сони ва қаттиқлиги камайган эди.



Илк 3 кунлик рўзанинг (1, 2, 3 декабрь). 3 кун ва эртаси кун ҳеч хуруже бўлмади.

3 декабрда томоғи ишишди ва иссиғи чиқди. Бу ҳолат 8 декабргача давом этди, ҳеч қандай дори ишлатмадик.

Рўзалардан кейинги (5 марта бир кунлик ва икки марта 3 кунлик очликлар, умумий 24 кунлик даволаниш) соғайишлар:

Кечаси уйқулари тартибга тушди. Янада тирик ва ҳаракатчан бўлди. Сочларида ва терисида юмшаши бошланди. Сочлари порлоқ ва тараладиган ҳолга келди.

Овозлар диққатини чекадиган бўлди. хуружлар камайди.

13 декабрда аниқ юзимизга қарай бошлади.

Баданидаги пайлари кучланди, юрганда оёқлари букилиб кетмайдиган бўлди.

10 декабрда соч тўблари, 11 декабрда кўз остлари билан бурун атрофлари терлагандек бўлди. Аввал ҳеч терламаз эди.

12 декабрда қалин, қаттиқ териси тўкила бошлади. Янги териси юмшоқ ва ранги очиқ эди. Айни кун 2-3 километргача юрди. Аввал 50 метр ҳам юра олмас эди.

13 декабр 4-5 соат очиқ ҳавода юрса ҳам, ҳеч нарса бўлмади.

Қон олдиришида қони оқ ипли, кўпикли эди, кўп газ чиқди.

13 декабр кечаси бир нарсалар айтиши учун ҳаракат қилди, аммо оғзидан умуман сўз чиқмади.

Айта олмаганидан кейин хурсандчилигини қилиқлари билан кўрсата бошлади.

14 декабр эрталаб 4-5 марта хуруже ўтказди. Аммо приступлар худди бўйни синдирилгандек, боши кўксига тушиб қолиши ва оёқда бўлса, бирдан ўтириб қолиши шаклида бўлди.

Конвулсиялар йўқ эди.

Дори ишлатишида курсига ўтказганимизда, ўзи тура олмасди, биров тутиб туриши керак бўларди. Ҳозир ўзи ҳеч қандай дастаксиз ўтиради.

Дори ишлатишида уй ичида тўхтамай юзурарди. Юзуриб ўзини бошқара олмасди, доим бир жойга бориб уриларди. Ҳозир югурмайди, мувозанати ҳам жойида, булардан ташқари, оёқларидаги ўнга чапга урилишлари натижасидаги ишилар ва ишлинишлар ҳам қолмаган.

Очликларни бошлаганидан кейин янгидан "соғлом кўз қараши" тиклана бошлади, "жигар тозаланиши" қилганидан кейин "кўз қараши"ни яна йўқотди. Шифоли гиёҳлар билан қилган клизмалардан кейин янгидан нормал қарашига бошланди.

Феврал ойининг илк ҳафтасидан хозиргача очлик қилинмади.

Февралнинг охирларидан бошлаб, орқага қайтишлар бўлди.

3-4 кун тугамаган ич кетишлар ва хуружларнинг кўпайиши бизни «янада бошдан бошландимми» деган ваҳимага солди. Февралнинг охирларидаги хуружлардан бирида чиққан пешонасидаги яра ҳалиям яхшиланмаган. Приступларда агар бир ушлаб қолмасак, фақат ярасининг устига тушар ва яра янгиланар эди.

Приступлар ўтирган ҳолида юз берса, боши билан йиқилиб тушарди. Оёқда бўлса, ўтириб қоларди.

Апрел ойида 3 кунлик очликларни иккинчи марта қилдик.

Апрелдан бошлаб пархез билан бира даволанишига доир ҳеч нарса қилинмади. Тўғриси, даволанишни ташладик ҳисоб. Бу иш даволанишига жиддий қарамаган, давога ишонмаган оналар билан қилинмайди!

Икки ойдан буён қиз даваланишига қарамай, приступ сони ҳам, кучи ҳам 10 марта камайди.

Майнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1 ёшли болалар каби ҳаракат қилар, стул-столга чиқар, стеллажга чиқаман, дерди.

Дори қўллаган пайтга нисбатан тушуниши анча яхши. Биз бирон нарса айтсак, тушунтирсак тинглайди.

Касаллик бошланишидан аввалги каби инсоннинг кўзларига қарайди, жиддий қабул қилади. Кун давомида кўрмаган оила аъзоларни соғинади, соғинганини уларга кўрсатади.

Доим бир нарсалар айтишини хоҳлайди, аммо гапира олмайди...

Август ойида бир конференцияда Фотима Бегум ва отасини кўрдим.

Отаси даволанишига такрор бошлаганларини айтди. Бунинг ижобий натижаси отаси айтмаса ҳам, Фотиманинг соғлом ҳаракатларида кўриниб турарди. (О. Солиҳ).

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош